



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2015-yil 30-yanvar №5 (4300)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МАТОНАТ. САДОҚАТ. САОДАТ

Ҳар бир киши ўз жойида ўзига топширилган ишни виждонан ва ҳалол бажариб, ташаббус кўрсатиши бугунги кунда фойдаланарди. Олга томон боришимизнинг асосий шартин мана шундандир.

Ёшларимизни бегоналарнинг қўлига ўз ихтиёримиз билан топширмаймиз керак. Ёшлар учун, улар чин инсон, ўз диёрининг, ўз мамлакатининг чинакам ватандоши бўлиб ўсишлари учун фаол курашмоғимиз лозим.

Тошкент — студентлар шаҳри. Шунинг учун ҳам бу ерда бирорта ҳам муаммони ёшларнинг манфаатларини ҳисобга олмай, уларга ўқиб, баркамоллик ҳамда бўш вақтларини ўтказишлари учун барча шароитларни яратиб бермасдан ҳал этиб бўлмайди. Булар миллат келажиги, халқимиз келажигидир. Республикаимизнинг бугунги ва эртанги тақдирини ёш авлоднинг касб маҳорати, интеллектуал даражаси, маънавий тараққиёти, жисмоний соғломлигига боғлиқ. Ана шу мақсад йўлида биз тежашга на маънавий, истасангиз, на оталик ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг асосий талабимиз мулкчилик тўғрисида. Ўзини

мустақил деб билган давлат ўз худудидан бўлган барча ер ости-ю, ер усти бойликларига, ишлаб чиқарувчи кучларга ҳеч сўзсиз фақат ўзи эгалик қилмоғи керак.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ўз бойликларидан ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотдан фойдаланиш масаласида ҳам эркин бўлиши зарур.

Қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилмайлик, қай томонга бурмайлик, бир нарсани ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. У ҳам бўлса шуки, деҳқон бой бўлмасдан — ишчи ҳам, зиёли ҳам тўқ бўлиши мумкин эмас, халқимизнинг, эл-юртимизнинг ҳаётини, келажagini фаровон қилиб бўлмайди. Бу аниқ гап.

Ҳаммамиз ҳақиқатнинг қўлига тик қарашимиз керак. Ҳали жуда катта синовлар олдимизда турибди. Бу синовлар қанча давом этишини ҳозир аниқ айтиш қийин. Ана шу синовлардан халқимиз, бизларга ишонган фуқароларнинг бурнини қонатмасдан, талафотларга йўл қўймасдан, келажакдаги порлоқ ҳаёт учун замин тайёрлаб ўтсак, яхши бўлади.

Муштақилликни эркинлик тўғрисидаги шиорлар билан эмас,

балки сиёсий, иқтисодий, маънавий мазмун билан тўлдириш керак. Виждон, дин, шахс, тилни танлаш, маданият ютуқларидан фойдаланиш эркинлиги ва ҳоказолар бўлмаса, чинакам муштақил давлат бўлмайди...

Биз қўрқув деворини емириб ташладик. Янги масжидлар, диний муассаса ва иншоотлар пайдо бўлди. Наврўз, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити каби ва бошқа умумхалқ байрамлари тикланди, салкам 50 та миллий-маданий марказ ташкил қилинди.

Менинг уруғ-аймоғим — менга Президент бўлиши ишониб топширган халқдир. Мен халқ билан маслаҳатлашаман ва ўз хатти-ҳаракатларимни унга қараб тўғрилаб оламан. Халқ мендан ҳамма нарсани талаб қилишга ҳақли. Мен эса унга фақат битта илтимос билан — тинчлик ва тотувликда яшайлик, деган илтимос билан мурожаат қиламан. Ўзбекистон ватани бўлган ҳар бир киши бу ерда ўзини бой, эркин ва кучли республиканинг, улуғ ишларга қодир бўлган буюк халқ яшайдиган қадимий маърифатли давлатнинг тўла ҳуқуқли фуқароси, деб ҳис қилсин.

Ислом КАРИМОВ "Ўзбекистон муштақилликка эришиш оstonасида" китобидан



Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси соҳиблари (чапдан) — Бобуржон Обидов, Камола Файзуллаева, Шоҳруҳ Шодмонов ва Отабек Алимардонов

Сарвар МАМБЕТОВ олган сурат

ЯҚИН ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Яхши китоб — руҳ озиғи, фикр дояси. Ўқиганинг сари ҳис-туйғулар ёлқинланиб, тафаккур тиниқлашиб бораверади. Мутаассир бўлиб, китобхоннинг ўзи ҳам не бир муносабат билдиришга эҳтиёж сезади. Бу, айниқса, тарихий кечмишлар билан боғлиқ бўлса, жонланган хотиралар таассуротлар билан уйғунликда келгуси фаолиятнинг, хатти-ҳаракатларининг, интилишларининг бўй кўрсатаверади.

Шу маънода Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Истиклолнинг 20 йиллиги арафасида эълон қилинган "Ўзбекистон муштақилликка эришиш оstonасида" китобидан акс этган ниҳоятда мураккаб, ўта тахликали кунлар гувоҳликлари бўлган ҳужжатлар — ўтган аср 80-йиллари адоғи — 90-йиллар ибтидоси кечмишлари муштақил мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг юксак марраларига яқинлаша боргани сари бот-бот эслаб, туришни тақозо этади. Зеро, Юртбошимиз "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" деган ҳикматни ҳаммаша таъкидлаб келадилар.

1991 йилнинг 26 мартда Тошкентда республика қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг курултойи бўлиб ўтади. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, мавжуд вазиятни бор жиддияти билан очик-ошкора баён қилади: "Курултойимиз бутун мамлакат учун мураккаб ва оғир бўлган пайтда ўтмоқда. Улуғ Ватан уруши давриддан бери жамиятимизда бунчалик оғир шароит бўлмаган эди, десам, янглишмасам керак. Сиёсий тарафқашлик кучайди. Турли-туман ижтимоий гуруҳларнинг ўзбошимчилиги, қарама-қаршилик, адоват уруғлари жамият барқарорлигини ларзага солмоқ-

да... миллиятлараро муносабатларнинг кескинлашуви ҳам барчамизни ниҳоятда ташвишга солмоқда... содир бўлаётган жиддий тўқнашувлар мамлакатимизни граждандар уруши ёқасига олиб келиб қўймоқда".

Мана, дунёнинг олтидан бирини эгаллаган СССР номили мамлакатнинг ўша пайтдаги бор манзараси. Ҳаққоний манзара акс этган ана шу нутқ ирод этилишидан роппа-роса бир йил аввал Ўзбекистонда Президентлик институти жорий этилди. Бутун собиқ иттифоқ худудидидаги республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда таъсис этилган бу лавозим ўн кун аввал СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездида таъсис этилган СССР Президенти лавозимининг зиддига жорий этилган эди гўё. Чунки шу пайтгача собиқ иттифоқ компартиясининг сарқотиби сифатида ишлаб келган М.С.Горбачёв бутун дунёда қабул қилинган ижтимоий-сиёсий ёндашувларга кўра, партия раҳнамоси бўлиб мамлакатнинг бутун давлат тизимини юритувчи ва тўла ваколатли ягона раҳбари бўлиб туриши тўғри эмас эди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Ифтихор

Йўл... йўллар... Бу сўз нақадар кўнглига яқин... Ахир, одам боласи уйининг оstonасидан чиқиши билан уни йўл қарши олади. Йўл уни мақсад манзилларига олиб кетади, йўл унинг ҳаётлари, интилишларига ҳамроҳлик қилади. Агар она Ўзбекистонимизни истиклолдан куч-қувват, нафас олиб яшаётган жонли, улкан бир вужудга қиёсласак, йўллар эса бу жисмининг қон томирларидир. Айниқса, темир йўлларда елдек учаётган поезд ёлдирақларининг товуши, паравознинг овози "гуп-гуп" ураётган юрак зарбларини эслатади.

Давоми иккинчи саҳифада.

Мухаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири БИЗДАН ОЗОД ВАТАН ҚОЛАДИ

Ўтар неча баҳорлар гулгун,
Неча умр кузлари кечиб,
Замин узра саф тортиб бир кун,
Биз кетармиз кўшлардай кўчиб.

Бир бебаҳо маъдан қолади,
Биздан озод Ватан қолади.

Бизнинг манзил оқ — ойдин саҳар,
Офтоб сари йўлимиз раво.
Миллат учун керак бўлса гар,
Минг бир фило бўлмасми бу жон —

Жон чекмасанг, қайдан қолади,
Биздан озод Ватан қолади.

Одам билан улғайар макон,
Дунёларга дoston бўлади,
Озод элнинг тўдаги султон,
Султони мард инсон бўлади.

Даҳри дун ҳаммадан қолади,
Биздан озод Ватан қолади.

Йўллар келажакка элтади

ШИРИНБУЛОҚДАН
КЕШГАЧА

"Юрган дарё, ўтирган бўйра". Халқ донишмандлигининг гўзал тимсолига айланган бу ибора замирида нақадар катта ҳикмат мавжудлигини, айниқса, сафар чоғлари теран ағлайсиз.

Бухородан Қашқадарё воҳасига ўтаётиб, қадим йўллар бўйидаги жайронлар масканидан туйган бекиёс ҳайратимга яна бир ҳайрат қўшилди: чегарадаги кўш дарвозалар автонозираб қароргоҳи "Ширинбулоқ" деб аталган экан. Ширинбулоқ! Атроф бийдай саҳро бўлса, гоҳо учраб қоладиган саксовулу юлғунларни айтмаса, бу худудда биронта тоғ ҳам, ирмоқ ҳам йўқ. Шундай чўлу биёбонда қандай қилиб булоқ бўлсин, деб ўйлайсиз. Лекин одамлар манзилга Ширинбулоқ, деб ном қўйишибди, бу бежиз бўлмаса керак. Шу ерларни яхши биладиган кишилардан суриштирсам, қирқ йилча бурун ҳозирги кўш дарвоза кунчиқарида, саксовул қоплаган қирлик этагидан ўз-ўзидан бир чашма отилиб чиқибди. Ҳатто гу-гурт қақиб кўришса, ўша сув ёнармиш ҳам. Мутахассислар унинг таркибининг ўрганиб, шифобахшилигини айтишибди. Кейинроқ тумандаги яна

Ватан учун яшайлик

малар, бекиёс саксовулзорлар билан безашга қодир экан. Фақат инсон табиатдан меҳрини аямаслиги керак. Мубораклик йўл қувчилар "Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнов" трассасининг шу жойдан ўтган 140-150-километрларида барпо этаётган йўлсозлик ишлари билан танишайтганда ҳам шу ҳақда ўйлар эдим. "Қашқадарёавтоўл" бош муҳандиси Бўри Файзиев фикрини уққандек, айни кунларда вилоят миқёсида амалга ошириляётган йўлсозлик ишларининг асосий мақсади бир жихатдан эл-юрт ободлиги, иккинчидан, воҳа табиати билан боғлиқ бетакрор сайёҳлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилганига эътиборини тортди.

Давоми олтинчи саҳифада.

Давоми олтинчи саҳифада.

САНЪАТГА ШАЙДОЛИК

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг йиллар билан тўлиб-тошган гавжум ижод шайдолик...

Шохрух ҳозир санъатшунослик йўналишининг магистратура босқичида тахсил олмақда...

қад. Ёш қаламқашнинг матбуот саҳифаларида эълон қилинган долзарб мавзудаги мақола...

Машхур япон ёзувчиси Харуки Мураками театр ва кинони бир-бирига ашаддий рақиб — самурайларга қиёслаганини эшитганимиз...



А.ИМОМОВ

Истиқлол мевалари

нишган. Мабодо бирор филм ёки спектакл такдимотида уларни учратиш қолсангиз, бу ёшлар санъат асарини муҳокама қилишганими ёки хазина талашганими...

ОТАМ ОРЗУ ЭТГАН КУНЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тунда ҳам этигини ечмай ҳори-гандан омонат тўшаққа чўзилган дадамга онамининг раҳми келса ҳам бирор гап айтишга ботинмас эканлар...

Дастлаб Асака шаҳрига янги автомашиналар келганида дадам 21 километр масофага пиёда қатнаб ишлаган экан...

лар. 1996 йили июн ойида Асака шаҳрида биринчи автомашина ишлаб чиқарилган кун...

Ўз элининг кўнглини яқинданми, узоқданми йўқидиган Юртбошимиз ҳозиргида мунаввар дамларда, оталар орзуларини тилиб қолган қувончли онларда одамларнинг тил учига келган орзуларини рўёбга чиқаришга бош-қош бўлаётганликлари учун ҳам кўзимизга Ҳизр назарли инсон бўлиб қўринадилар...



элдошларимиз матонати билан тоғлар оша пўлат йўлларга айлангандек кўринади гўё...

Ҳамма-хаммаси бир шоирнинг ҳаёлатларидек кўринади. Бу, албатта, истиқлолдан аввалги эгасизликнинг аянкли кўринишлари...

ри яшил рангда бўладигандек туюлади, балки, Фаргона водийси “яшил воҳа” дея ном қозонгани учундир...

Менинг бу хаёлий қиёсларим эртага ҳақиқат бўлишига ишонман. Бир пайтлар хизмат тоқозо...

си билан эски йўлларда поездда юганимиздаги бир аянчли воқеа хотирамдан сира кетмайди: Уша кунни қор қалин ёққанганда енгил машиналар қатнови тўхтатиб...

Бу, албатта, истиқлолдан аввалги эгасизликнинг аянкли кўринишлари. Бугун йўлни ҳар бир қаричи ҳам, унда қатнайдиغان йўловчилар, хизмат кўрсатиш ҳам ҳисобда, назоратда...

лакатлари билан боғловчи, Лондондан Пекинга ва ундан Аляска оша Америкага қатновчи қишлараро поездлар ҳам шу йўл орқали ўтишини ўйласам, Ангрен — Поп йўналишидаги йўл, бир ҳамкасбимиз лутф қилганларидек, жаҳон белидаги пўлат белбоғдек кўринадилар...

Орзулар йўли бу, ниятлар йўли, Эгизлик, яхшилик мақсадлар йўли. Ҳар ишда елкадош, улуг элдир бу, Этгайлар узатса ойда ҳам қўли. Яратди инсоннинг моҳир қўллари Ўзбекистон темир йўлларини!

Ватан — жон томири, оққан қонидир, Юрак уриб турган, жисму жонидир. Буюк Ипак йўли, олмос риштаси, Миллатнинг фахри бу, элининг шаънидир. Яратди инсоннинг моҳир қўллари Ўзбекистон темир йўлларини!

Аждоғлардан қолган сирли бир баёт, Элд-юртнинг қорига бўлгучи нажот. Тоғларга из солган улуг қадамдир, Ҳатто чўларда ҳам қайнайди ҳаёт. Яратди инсоннинг моҳир қўллари Ўзбекистон темир йўлларини!

Аср мўъжизаси — Тошгузар — Бойсун, Ангрен — Поп йўли турурга тўлиб... Элу юрт равнақи учун жон фидо: Бир улуг миллатнинг, қаровнинг йўли. Яратди инсоннинг моҳир қўллари Ўзбекистон темир йўлларини!

Мунаввара УСМОНОВА, шоира

Гул кўп, чаман кўп ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН ИНСОННИЙ ҲАЙРАТ КУЙЧИСИ

Атоқли болқор шоири Қайсин Қулиев (1917-1985) Кабардин-Болқориянинг юксак тоғли Элтепа қишлоғида туғилган...

Қайсин Қулиев ўзбек шеъриятининг навқирон вакиллари ижодини она тилимизда ўқиб, кузатиб, бениҳоя мамнунигини катта минбарлардан эътироф этган ва кўп бора юртимизга таширф буюрган...

ЁРҚИН ШОИРА

XX аср рус адабиёти ёрқин намояндalarидан бўлган машхур шоира, таржимон ва адабиётшунос Анна Ахматова (1889-1966) Одесса яқинида Катта Фонтан кўргонидан дворян oilасида туғилган...

«Қаҳрамонсиб дoston» поэмасида шоиранинг XIX асрдан то Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврга нисбатан қарашлари акс этган. Шеърини асарларидан ташқари унинг Пушкин, Лермонтов ижодида, шу-нингдек, замондошлари хотирасига бағишланган мақолалари ҳам машхур...

ТАРАҚҚИЙПАРВАР ИЖОДКОР

Машхур шоир Муин Бисую (1928-1984)нинг «Юракда қолган Ватан», «Дераза ойнасидаги шеърлар», «Ташрифт қоғози», «Фаластин дафтери» каби китоблари жаҳон шеърхоналирига яши маълум...

ТИРИКЛИК ТАЛҚИНЛАРИ

Бугунги адабий жараёни қузатиб бораётган киши ҳикоя жанрида ҳам жуда ажойиб асарлар яратилаётганини кўриб қувонади. Ахир, китобхон учун мутолаадан қониқиш ҳиссидан ортиқроқ секин бўладими?



га айлантирилган ҳаёт ҳақиқати талқини енгил “ҳазм” бўлади. Ҳангомадаги туолган воқеанинг реализтик талқини ҳайратлангандир, рўй бермаган, “бўлиши мумкин эмас”нинг чинлигига ишонтиради...

Мухаммад Рауфхоннинг “Чилла” номли ҳикояси қаҳрамони сал галатироқ. Қўл урган “тадбир”и ҳам ақлга сиймайди...

Китобдан яхши дўст бўлмас

номли киноқиссаси босилган. Ўзбек ҳикоячилигининг жиддий ютуғи сифатида баҳолашга лойиқ, ёзувчи ижодий фаолиятида янги босқични рўй-рост намоён этган бу асарлар бадиий адабиётнинг чинакам илҳомландираги ҳаяжонли, сермушоҳада мутолаа жараёнини тўхфа этади...

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ. ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ” АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Кабулхона — 233-52-91. Котибият — 233-49-93.

Бош муҳаррир Спирожиддин САҲИЙД

Тахририятга келган кўлезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мухлифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлаштириш мумкин. Масыул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ. Набатчи муҳаррир — Саъид ТУРСУНОВ. Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН. ISSN 2181-614X